

## ШАЙБОНИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЯТИГА ДОИР

**Шарипова Мунира Ҳамидуллаевна**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

[msharipova775@gmail.com](mailto:msharipova775@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада шоҳ ва шоир Муҳаммад Шайбонийхоннинг тажнис санъати қўлланган айрим шеърлари таҳлил этилиб, уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари ўрганилди, шоирнинг тажнис санъатидан фойдаланиш маҳорати очиб берилди. Илмий-назарий адабиётларда тажниснинг ўнга яқин турлари мавжудлиги қайд этилган. Шайбоний тажниси томм асосида кўплаб байтлар ижод қилганлигига эътибор қаратилди.

**Калит сўзлар:** Шайбоний девони, байт, ғазал, тажнис, тажниси томм, сўз ўйини

### ABOUT THE ART OF SHAYBANI'S POETRY

**Sharipova Munira Khamidullaevna**

Uzbekistan State University of World Languages

Doctor of Philosophy in Philology

[msharipova775@gmail.com](mailto:msharipova775@gmail.com)

**Annotation:** The article analyzes some of the poems of Shah and poet Muhammad Shaybani Khan, in which tajnis art is used, their artistic and aesthetic features are studied, and the poet's skill in using tajnis art is revealed. In scientific and theoretical literature, it is noted that there are about ten types of tajnis. Attention was drawn to the fact that Shaybani tajnisi created many verses based on tomm.

**Key words:** Shaybani's divan, verse, ghazal, tajnis, tajnisi tomm, word game

Шайбоний девонининг 406 – 41а саҳифасидаги ғазалнинг мақтаъида шундай ёзади:

*Эй Шабоний, кечти умрунг, қилмадинг бирдам қарор,  
Йўқ эмиши ишқининг қарори лабларинг олиндадур.*

Байтда «қарор» тажнис ҳосил қилувчи сўз бўлиб, у тажниси том бадиий санъати асосига қурилган. Биринчи мисрадаги «қарор» сўзи «тинчлик», «ором-осойишталик» маъносини беради. Кейинги мисрадаги «қарор» сўзи «илож»,

«имкон» маъносини ифодалайди. Иккинчи тажнис сўз зикр этилган маъносида тилимизда нисбатан кам ишлатилади. Байт фалсафий мазмунга эга. Тажнис сўзлар орқали бирор дам ором-ҳаловат билмасдан умринг ўтиб кетганлиги, қўнглига муҳаббат тушган инсоннинг ожиз қолиши таъкидланади.

Мумтоз адабиётда «ол» сўзининг «қизил ранг» ва «олмоқ» маънолари асосида тажнисли шеърлар жуда қўп ёзилган. Шайбоний қуидаги байтда «ол» сўзини «қизил ранг» маъносида ҳамда ундан ташқари асосан мумтоз адабий асарлар тилидагина учрайдиган «хийла», «алдов» маъноларида ишлатган ва тажнис сўзлар воситасида маъшуқанинг маккоралигини тасвиrlамоқчи бўлган:

*Бир неча сенда гумоним даги бордур, сўзлайн:*

*Ишинг олу сўзинг олу тўнинг олу долу гул (93а).*

Мазкур ўринда биринчи ва иккинчи «ол» сўзлари «макр-хийла», «алдов» маъноларини, сўнгти «ол» сўзи «қизил ранг» маъносини ифодалаган.

*Эй нигорим, қўнглума тушиби юзунгдин алмангиз,*

*Ол янгоқинг оли хуши бори қўнгулдин алмангиз(61а).*

Юқоридаги мисраларда эса «ол» сўзининг «ал» шакли ёрдамида ясалган «алмангиз» сўзлари тажнис санъати учун асос бўлган. Биринчи «алмангиз» сўзи «қизил юз» маъносида, иккинчи «алмангиз» сўзи «олмагин» маъносида қўлланган. «Ол» сўзи иккинчи мисрада икки марта «қизил ранг» маъносида тақрорланган.

Ўзбек адабиётида «етти» сўзининг шаклдошлиги асосида битилган мисралар қўплаб топилади. Шайбоний ижодида ҳам бунга мисоллар талайгина:

*Холи зоримни билиб раҳм айламас, ё Раб, нетай,*

*Гарчи онсиз етти кўкка етти афғоним менинг (87б).*

Мисрадаги биринчи «етти» сўзини икки хил маънода англаш мумкин: Биринчиси, етти – сон сўз туркуми, етти кўк, яъни етти қават осмон. Қуръони Каримда етти кўк ибораси етти марта учрайди. Фақат Аллоҳгина бу етти осмоннинг ҳакиқий табиатини билади. Иккинчиси, етти (етди) – феъл сўз туркуми, кўкка етмоқ маъносида. Кейинги «етти» сўзи етмоқ маъносида қўлланган.

*Кўрдунгиз кўкда булутни қилди юзини қора,*

*Етти оҳимнинг тутуни етти айвонигача (157б).*

Байтдаги тажнис сўзлар маъноларини улар боғланган сўзлар билан шундай изоҳласа бўлади: етти оҳ ёки оҳим етди; етти айвон ёки айвонига етди.

*Икки кўзумни ёрутти асрү ушибу тўлун ой,*

*Эй Шабоний, ҳар саҳар бу ой дуосини сен ой (191а).*

Сўз ўйинига асосланган мазкур байтда уч марта тақрорланган биринчи «ой» сўзини икки хил маънода – сайёра ва гўзал маҳбуба маъноларида, иккинчи

«ой» сўзини уч хил маънода – сайёра, вақт, вақт бирлиги ва гўзал маҳбуба маъноларида англаш мумкин. Байт охиридаги «ой» сўзи айт, гапир маъносини ифодалайди.

Кўйидаги байтда «нукта» билан «нукта», «хол» билан «хол» сўzlари қўш тажнис ҳосил қилган:

*Ишқ сирри ул санамнунг нуқтаи холиндаур,  
Бу муаммо нуктаси ошиқларнинг ҳолиндаур (40б).*

Кўйида «жой номи» ва «машғул бўлмоқ» маъносини ифодаловчи икки сўз бир мисрага тизилган:

*Мен бу тун ёрим хаёлин касб қилдим Касбида(126б).*

Шайбоний фақат тажнис санъатини қўллаган ўринларда эмас, бошқа шеърларида ҳам сўzlарни кам ишлатилган маъноларида берадики, бу ижодкорнинг сўз санъати сирларини яхши эгаллаганлигини кўрсатади.

*Сидраи аълоға гар нафсим менинг монеъ бўлур,  
Химматим улдорки, мен ул ерга етсан тирмасиб (18б).*

Ушбу байтда шоир «химмат» сўзининг ҳаммага тушунарли бўлган «саҳоват», «олижаноблик» маъносини эмас, балки нисбатан кам қўлланиладиган «бирор ишга қаттиқ уриниш», «зўр ғайрат билан киришиш» маъноларини назарда тутиб, ўз мақсад-муддаоларини ифодалаган. Байтдаги «сидра» сўзи диний таълимотга кўра, еттинчи осмондаги энг баланд дараҳт бўлиб, ундан юқорига пайғамбарлар ҳам, фаришталар ҳам ўтолмайди. Шайбоний бу мисралар орқали ғоят мушкул ишга ҳам ҳиммат қилиб ихлос билан астойдил киришилса, унинг уддасидан чиқиши мумкинлигини таъкидламоқда. Бироқ инсоннинг юксакликка кўтарилишига ва мукаммаликка эришишига унинг нафси ҳамиша тўсқинлик қиласи. Нафсига қул эмас, ҳоким кимса зўр ирода ва ғайрат билан кўзлаган мақсадига етади.

*Етти кишиварни агар олсан қатимда кенг эмас,  
Химматим кўзига оламнинг фазоси тор эрур (33б).*

Бу ўринда ҳам «химмат» сўзи «бирор ишга қаттиқ уриниш», «зўр ғайрат билан киришиш» маъносида қўлланган. Мазкур мисралар ўз ҳарбий иқтидори ва тажрибасига қатъий ишонган, жаҳонгириликни мақсад қилиб, бу йўлда ҳар қандай қийинчиликларни енгишга тайёр хукмдор қаламига мансублиги очиқ кўриниб туриди.

*Ушибу ёз фаслинда азми Астробод айладук,  
Адлу дод ила бу элни асру обод айладук (83а).*

Юқоридаги матлаъ байтда «дод» сўзи барчага маълум бўлган «арз, шикоят», «фарёд» маъноларида қўлланмаган. «Дод» сўзининг асл маъноси «адолат»дир. Шоир сўзни шу туб маъносида ишлатган. Мазкур сўзни унга яқин

маънони билдирувчи «адл» (инсоф) сўзи билан ёнма-ён келтирилиши ва ғазалнинг матлаъида берилган сўзнинг мақтаъда яна такрорланиши айтилмоқчи бўлган фикрни таъкидлаш учун хизмат қилган:

*Бу Шабоний бу тавоийф бекларини қовлабон,*

*Зулму жаврин кўтарибон, элга кўп дод айладук (83б).*

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бадиий тасвир воситаларини ўзига хос ва мос тарзда танлаш, тарихан қадимги туркий халқлар оғзаки ижодига мансуб тажнис санъатидан унумли фойдаланиш, тасвирнинг ҳаётийлигига интилиш ҳамда таъриф-тавсифда халқона ифодаларни ишлатиш Шайбоний поэтик услугига хос жиҳатлардир. Шу ва юқорида кўрсатилган барча хусусиятлари билан Шайбоний «Девон»и мумтоз адабиётимиз хазинасидан ўзига яраша ўрнини топиши шубҳасиздир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Шайбоний қўллёзма девони фотонусхаси
2. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балога. – Тошкент: Хазина. 1996
3. Алибек Рустамов. Матнчилигимиздаги нуқсонлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 1982. 10 сентябрь
4. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979
5. Улуг ўзбек шоири. Мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзР ФА нашриёти. 1948
6. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1979
7. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Ҳ.Болтабоев талқинида. Биринчи китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008